Ушбу сонда:
2 ЎҚИТУВЧИ АЁЛЛАРГА *қўшимча имтиёз*
3 ОНА ТАБИАТ ОЛДИДАГИ ЖАВОБГАРЛИК
4 СПОРТ — СОҒЛОМ АВЛОД ХИЗМАТИДА

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
ОЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАТСИЯСИ
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 5 июн, сешанба №86 (1100)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

1 июн куни Беларус пойтахти Минскда МДҲ Давлатлар раҳбарлари кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ҳам иштирок этди

Ҳамдўстликнинг сўнгги йиғилишлари аъзо мамлакатларнинг ўзаро ҳамкорликни амалда ривожлантиришга интилиши кучайиб бораётганини намоён этмоқда. Зеро, бугунги шароитда дўстлик фақат изҳори дил билан чекланиб қолмай, уни том маънодаги шериклик билан тасдиқлаш ва мустаҳкамлаш лозимлиги кўриниб турибди. МДҲнинг бу галги саммитида ҳам долзарб масалалар кўрилди.

Аввало, бу йил Ҳамдўстлик тузилганига ўн йил тўлишига тўхталсак. Яхши маълум: 1991 йил декабрда МДҲ тузилиши билан СССР деб аталмиш улкан империя расман йўқлик сари юз тутди. Ўтган ўн йил давомида мустақил давлатлар ўзининг сиёсий, иқтисодий манфаатларини кўзлаб, турлича тараққиёт йўлларини танлади. Йўналишлар, қарашларнинг турфа хиллиги МДҲ саммитларида, умуман, Ҳамдўстлик доирасидаги икки ва кўп томонлама муносабатларда сезилиб турди. Баъзида сиёсий шарҳловчилар, халқаро кузатувчилар бу тузилманинг тақдири ғоят мавҳумлиги, аъзо давлатларнинг бир-бирига ишончи мустаҳкам эмаслигини ҳам гапириб келди. Бунинг сабаби МДҲга сиёсий тус беришга, ундан иқтисодий интеграция эмас, сиёсий манфаатлар йўлида фойдаланишга интилишлар мавжудлиги эди. Бу амалга ошмагач, иқтисодий муносабат ҳақида бош қотириш ўрнига, «иккилик», «тўртлик», «бешликлар» тузилди. Бундай ўзига хос тузилмалардаги ишлар донгдор баёнотлардангина иборат бўлиб қолаётганини яхши биламиз. Ҳар ҳолда, ривожланиш даражаси, иқтисодий ва сиёсий салоҳияти кескин фарқланган давлатларнинг бундай иттифоқларидан фойда чиқиши ўта мушкул эди. Масалан, хориждаги айрим оммавий ахборот воситаларида Тожикистон билан Беларус мисол келтирилади. Улар орасидаги масофа минглаб километрни ташкил қилади, ўзаро савдо-сотиқ деярли йўқ. Вахоланки, бу икки мамлакат «Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти»га аъзо давлатлардир.

Минск учрашувида Ҳамдўстлик ривожланиб бораётгани таъкидланар экан, бунга тасдиқ тарихасида оммавий ахборот воситалари ва кузатувчиларда МДҲ ҳақида илиқ фикрлар кўпайгани келтирилди. Таъкидландики, барча аъзо давлатларда бугун МДҲ керак, деган яқдил фикр бор. Бинобарин, муносабатлар шу нуқтаи назар асосида ривожлантирилмоқда. Дейлик, Эркин савдо зонаси яратиш бўйича икки томонлама мулоқотлар кучайди, Ҳамдўстлик мамлакатлари ҳозирги шароит тақозо этадиган ишларни бажаришга киришди. Мисол сифатида Минскда компьютер ахборотлари соҳасидаги жиноятчиликка қарши ҳамкорликда курашиш ҳақида ҳужжат қабул қилинганини айтиш мумкин. Бунинг нечоғли долзарблиги ва аҳамиятини изоҳлашга ҳожат бўлмаса керак.

Минскда давлатлар раҳбарлари мулоқот жуда очиқ, самимий ва самарали кечганини эътироф этди. Албатта, ҳар қандай давлат бирор тузилмага қўшилса, биринчи навбатда, ўз миллий манфаатларини кўзлаб бу ишга қўл урган бўлади. МДҲдан ҳам ҳар бир аъзо мамлакат ўзига имкон қадар кўп фойда олишга интилади. Бу - табиий. Ҳозир юзага келган вазият илгаригисидан шуниси билан фарқланадики, миллий манфаат йўлидаги интилишлар негизида ўзаро фойда кўриш тамойили ётибди.

Шу ўринда Ўзбекистон Президенти аввалларида кўп айтган бир ибратли гап ёдга тушади. Ислом Каримов иқтисодий интеграцияни, икки томонлама алоқаларни ривожлантирмай туриб, МДҲ доирасида кўп томонлама муносабатларни қарор топтириб бўлмаслигини неча бор таъкидлаган. Ҳозир МДҲда айни шундай жараён бошланганига гувоҳ бўлиб турибмиз. Айни шундай кайфият ташқи сиёсатда ҳам ўзаро мувофиқлик юзага келишига сабаб бўляпти.

МДҲ доирасида жиноятчиликка қарши кураш масаласига эътибор кучаймоқда. Минскда қурол-яроғ ва наркотик моддалар контрабандасидан ташқари, маданий ёдгорликлар, осори атиқа, рангли металлар, акциз солиғи солинадиган маҳсулотларнинг ғайриқонуний ташилиши, шунингдек, қонунга хилоф миграция, давлатларни боғлайдиган катта йўллардаги жиноятчилик, автомобиллар билан боғлиқ жиноий бизнесга қарши қўшма операциялар ўтказиш борасида келишиб олинди.

Иқтисодий соҳада, Эркин савдо зонаси барпо этиш ҳақидаги ҳужжат 1994 йилда имзоланган бўлса-да, ҳали ҳам кучга кирмаганини таъкидламоқ жоиз. МДҲнинг ҳар саммитидан кейин ана шу камчилик танқид қилинарди. Ҳозир бу борада баъзи силжишлар бўлиши мумкин, лекин шундай фойдали ҳужжат, етти йилдирки, ҳамон ишламаётгани ғоят ачинарли.

Яна бир масала хавфсизлик мавзуига оиддир. Ислом Каримов ЕХҲТнинг 1999 йил ноябрда Истанбулда бўлган саммитида БМТ раҳнамолигидаги Аксилтеррор маркази тузиш ташаббусини илгари сурган эди. Орадан кўп ўтмай, МДҲ саммити бўлди ва унда Ҳамдўстлик доирасида шундай муассаса тузиш ҳақида гапирилиб қолди. Кейин уни таъсис этиш ҳақидаги келишув тўғрисида протокол имзоланиб, жараён фаоллаша бошлади. Бироқ, ҳозир айрим давлатлар ўзини Аксилтеррор маркази билан МДҲ Коллектив хавфсизлик кенгаши ўртасидаги фарқни англамагандек тутмоқда. Очиқ айтганда, Коллектив хавфсизлик шартномаси билан Аксилтеррор марказига соя солиш ёки бу марказни эътиборсиз қолдиришга, уни қоғозда бору амалда ишламайдиган муассасага айлантиришга уриниш бордек.

Албатта, тўғри ва самарали фойдаланиш йўлга қўйилса, Коллектив хавфсизлик шартномасининг ҳам аҳамиятини рад этиб бўлмайди. Лекин, долзарблик нуқтаи назаридан қараганда, Аксилтеррор марказининг мақсад ва вазифалари янада муҳимдир. Коллектив ҳавфсизлик кенгашининг шу йил май ойида Ереванда бўлган йиғилишида уч йўналишда (Шарқий Европа, Кавказ ва Марказий Осиё) тезкор йиғилувчи кучлар ташкил этишга келишилди. Лукин МДҲнинг Минск саммитида Аксилтеррор маркази ишини фаоллаштириш борасидаги масала муҳокама қилинмагани ачинарли ҳолдир.

Хавфсизлик масаласи - ҳар саммитда диққат марказида турадиган асосий мавзу. Давлатлар раҳбарлари Минскда буни тасдиқлади. Лекин ҳозир асосий хавф-хатар террор, диний экстремизм ва миллий айирмачиликдан келар экан, биринчи галда, бор имкониятни ана шу таҳдиднинг олдини олишга қаратиш тўғри бўларди. Президент Ислом Каримов Минскка кетаётиб берган интервьюсида, биз учун саммитда кўрилиши керак бўлган асосий масала хавфсизлик билан боғлиқ эканини бежиз таъкидламади. МДҲга ҳам, Европа ва дунёнинг бошқа минтақаларига ҳам хавф солаётган террорнинг йўлига Марказий Осиёда туриб тўсиқ қўйиш энг маъқул йўлдир.

Шундай қилиб, Ҳамдўстликнинг яна бир саммити ортда қолди. У тузилманинг, аъзо давлатлар ўртасида баъзи масалаларда фикрлар ва қарашлар ҳар хиллигига қарамай, ривожланиш йўлидан бораётганлигини яна бир бор намоён этди.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА махсус мухбири.
Тошкент-Минск-Тошкент.

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов 4 июн куни Оқсарой қароргоҳида Россиянинг «ЛУКОЙЛ» нефт компанияси раҳбари Вагит Алекперовни қабул қилди.

- Нефт ва газ ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш борасида ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш мамлакатларимиз учун бирдек фойдалидир, - деди Ислом Каримов. - Мамлакатимизда нефт-газ саноатини янада ривожлантириш учун кейинги йилларда амалга оширган чора-тадбирларимиз хорижий компаниялар учун талай қулайликлар яратди.

Хусусан, ўтган йили нефт ва газ конларини қидириш, ўзлаштириш ва қайта ишлаш билан шуғулланувчи хорижий компанияларга имтиёзлар бериш тўғрисида ҳужжат қабул қилинган эди.

«ЛУКОЙЛ» президенти учрашув олдидан журналистларга берган интервьюсида ҳам Ўзбекистонда нефт ва газ ишлаб чиқариш борасида хорижий компанияларга катта имтиёзлар берилаётганини юқори баҳолади.

Учрашувда Ўзбекистондаги нефт ва газ конларини тадқиқ этиш ва ўзлаштириш борасида «ЛУКОЙЛ» билан ҳамкорлик истиқболлари, ўзаро алоқаларнинг асосий тамойиллари ва шаклари хусусида фикр алмашилди. Шунингдек, Ўзбекистон нефт-газ саноатини зарур асбоб-ускуналар билан таъминлаш борасида ҳамкорлик имкониятлари ҳам муҳокама қилинди.

Катта конларда нефт қазиб олиш, янги нефт ва газ конларини топиш бўйича геологик қидирув, «Ўзбекнефтгаз» миллий акционерлик компаниясини хусусийлаштириш бўйича лойиҳаларда ўзаро ҳамкорлик билан боғлиқ масалалар ҳам учрашув иштирокчиларининг диққат марказида бўлди.

Бугун Ўзбекистон нефт-газ саноатида АҚШ ва Голландия нефт компаниялари фаол иштирок этаяпти. «ЛУКОЙЛ»нинг улар сафига қўшилиши Ўзбекистонда мазкур соҳа ривожида яна бир муҳим омил бўлиши табиий.

1991 йил Ғарбий Сибирдаги «Лангенаснефтгаз», «Уралнефтгаз» ва «Когалимнефтгаз» корхоналари бирлашуви натижасида ташкил этилган «ЛУКОЙЛ» бугун дунёдаги обрўли нефт компанияларидан бири саналади. Компания Россиянинг 40 минтақаси ва дунёнинг 25 мамлакатида фаолият кўрсатади. Россияда қазиб олинаётган нефтнинг 24 фоизи, ишлаб чиқарилаётган умумий нефт маҳсулотларининг 12 фоизи «ЛУКОЙЛ» ҳиссасига тўғри келади.

(ЎзА).

БАХТЛИ БЎЛ, РУСТАМ!

Ватанимиз мустақилликка эришганидан буён ҳар томонлама етук, баркамол авлодни тарбиялаб, вояга етказиш Ўзбекистон раҳбарияти юритаётган изчил сиёсатнинг устувор йўналишига айланди. Президентимиз Ислом Каримовнинг кўплаб халқаро мусобақаларда Ватанимиз шаънини ҳимоя қилаётган истеъдодли спортчилар тўғрисидаги оталарча ғамхўрлиги - иқтидорли ёшларга кўрсатилаётган эътиборнинг ёрқин далилидир.

Халқаро гроссмейстер, катталар ўртасида шахмат бўйича энг ёш Осиё чемпиони Рустам Қосимжонов ҳам бундай ғамхўрликни ҳис этиб яшамоқда. Рустам спорт шоҳсупасига етти йил илгари, ўсмирлар ўртасида ўтказилган халқаро мусобақаларда чемпионлик унвонига сазовор бўлганда илк бор кўтарилган эди. Ушанда истеъдодли ўсмирнинг ғалабаси биринчи марта давлатимиз раҳбари томонидан эътироф этилганди.

Шундан буён мамлакатимиз чемпиони Рустам Қосимжонов шахмат мусобақаларида деярли мағлубиятга учрагани йўқ. У минглаб йигит-қизлар учун ҳам, спортнинг мазкур тури ишқибозлари бўлган катталар учун ҳам ёрқин спорт юлдузига айланди. Бугунги кунда Р.Қосимжонов жаҳон рейтингида Анатолий Карповдан ўзиб кетиб, 13-ўринни эгаллаб турибди. Яқинда Рустам гроссмейстерлар ўртасида Германияда бўлиб ўтган халқаро турнирда ғалаба қозонди. Мутахассислар фикрича, навбатдаги ютуқ 22 яшар спортчи рейтингининг янада ўсишига олиб келади ҳамда вақти келиб, дунёнинг энг кучли ўн шахматчиси қаторидан ўрин олишига ёрдам беради.

Шу кунларда эса Рустамнинг ҳаётида яна бир қувончли воқеа рўй берди. У Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти талабаси, халқаро тоифадаги спорт устаси, бадиий гимнастика бўйича Ўзбекистоннинг 1999 йилги мутлақ чемпиони Феруза Шарипова билан турмуш қурди.

Давлатимиз раҳбари номидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Ҳ.Султонов ёшларни ушбу шодиёна билан самимий қутлаб, уларга бахт-саодат, спортда янги ғалабалар тилади ҳамда қимматбаҳо совғалар топширди.

А.ИВАНОВА,
ЎзА мухбири.

ЧЎЛҚУВАРЛАР ГУЗАРИ

Элликқалъа туманининг қўриқ ерларидаги «Коинот» овулида гузар қуриб фойдаланишга топширилди. Шунингдек, бу ерда 50 ўринли қишлоқ врачлик пункти, 100 ўқувчига мўлжалланган мактаб, дўкон, маиший хизмат кўрсатиш нуқталари иш бошлади. Мўъжазгина хиёбон барпо этилди. Бу ишларни қисқа муддатда «Элликқалъафуқароқурилиш» ҳиссадорлик жамияти махсус бригадаси бажарди.

Конимех туманидаги касб-ҳунар коллежи компьютерлари Навоий вилоятида биринчи бўлиб интернет тармоғига уланди.

КОЛЛЕЖ ИНТЕРНЕТ ТАРМОҒИДА

- Коллежимиз Осиё тараққиёт банкининг дастурига мувофиқ республикамиздаги айрим коллежлар қаторида таълим тизимини янги замонавий техникалар билан жиҳозлаш учун кўмак ола бошлади. Банк кўмаги билан компьютерларимиз Интернет тармоғига уланди. Талабаларимиз компьютерда ишлашни тўлиқ ўзлаштириб олди. Шу кунгача 85,7 миллион сўмлик техник ўқув ускуналари, компьютер ва бошқа жиҳозлар сотиб олдик, - дейди Конимех қишлоқ хўжалиги коллежи директори Бахтиёр Турмаханов.

БИР ФАРМОН ШАРОФАТИ

Ўтган қарийб 10 йил ичида Президент Фармони, Вазирлар Маҳкамаси қарори шарофати ила Жиззах вилоятида таълим-тарбия ишларини ривожлантириш, янги типдаги академик лицейлар, касб-ҳунар коллежларини бунёд этиш, иқтидорли ўқувчиларни тарбиялаш, соҳа ходимларини ижтимоий муҳофазалаш борасида тилга олса арзигулик ютуқларга эришилди. Баъзи муаммолар ечими ҳақида жиддий бош қотирилмоқда.

Эътиборлиси шуки, мустақиллик туфайли тажрибали ўқитувчилар вакиллари ривожланган мамлакатларда бўлиб, бой тажрибаларни ўрганиб қайтдилар. Ёш авлодни билимли, ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб тарбиялаш ишига саховатпешалар ҳам муносиб ҳисса қўшишмоқда. Улар ўз шахсий жамғармалари ҳисобидан қўшимча синфхоналар қуришмоқда, кам таъминланган оилалар фарзандларига дарсликлар олиб беришга ҳомийлик қилишаяпти. Амалга оширилаётган саъи-ҳаракатлар бесамар кетмаяпти. Вилоятда иқтидорли ўқувчилар, кўрик-танловлар ғолиблари кўпайиб бормоқда.

Газетамизнинг 2 саҳифасида ана шулар ҳақида ҳикоя қилинади.

СОЛИҚ ТИЗИМИ ВА ИСТЕЪМОЛЧИ МАНФААТИ

Ислоҳот — инсон учун

Солиқ — давлат хазинасини тўлдириш воситаси. Бироқ, мамлакатимиз солиқ қонунлари ва солиқ солиш меъёрлари асосини ҳуқуқий ҳамда жисмоний шахслар манфаати ҳимояси ташкил этишини ҳамиша ҳам ҳис этавермаймиз. Бу қай йўсинда намоён бўлаяпти? Сирдарё вилоят Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи, иқтисод фанлари номзоди Абдуғаффор Жўраев билан ана шу хусусда суҳбатлашдик.

— Абдуғаффор Сафарович, баъзилар солиқ тўловларини озорланиб тилга олишади. Очиғи, «Оларда кирар жоним, берарда чиқар жоним» дегувчилар ҳам оз эмас. Солиқ тўлаш бурч ва мажбурият эканлигини гоҳо унутиб ҳам қўйяпмиз...

— Мавзудан чекинмаган ҳолда аввал баъзи мулоҳазаларимни айтиб ўтсам. Дунёда ўз солиқ тизимига эга бўлмаган бирорта давлат йўқ. Юрт истиқлолидан сўнг бизнинг мамлакатимизда ҳам бу тизим шаклланди. Бироқ, бизнинг солиқ қонунларимизда шахс манфаати устувор тарзда ифодалаб келинмоқда. Бир ўйлаб кўринг. Нега хориж ишбилармон доираларининг Ўзбекистонга қизиқиши катта? Уларнинг аксарияти ўз сармоясини киритиш истагини билдиришдан чўчишмайди. Бунинг бир қатор сабаблари бор. Энг аввало юртимизда тадбиркорлик, ишбилармонлик билан шуғулланаман деганлар давлат миқёсида қўллаб-қувватланмоқда. Қолаверса, солиқларимиздаги қатор имтиёзлар корхона манфаатидан келиб чиқадиган талаблардир. Тажрибали ишбилармон бой бўлиш кафолати борлигини дарров пайқаб олади.

Сиз урғу бераётган солиқдан «безиллаш» масаласига келсак. Бу ҳолат бизда йўқ эмас. Вилоятимизда ҳам солиққа чап бериш истагида бўлувчилар анчагина. Бундай фикрдагиларни Юртбошимиз бир неча бор қисқа-лўнда таърифлаб берди. «Боқимандалик, ... Бу кайфиятни кўтариб юрганлар — ҳеч нарса қилишни хоҳламайдиган кишилардир. Уларга жуда ўнғай... Улар: давлат борми, у мени боқиши керак, деган ақида билан яшайди». Иқтисодий ислоҳотларимиз бундай кайфиятга муносиб зарба бўлаяпти. Хайриятки, секин-аста бўлса-да бу қусурдан ҳоли бўлаяпмиз. Шу ўринда бир мисолга тўхталиб ўтсам. Ўтган бир йилда вилоятимизда кичик ва ўрта бизнес субъектлари сони 1586 тага кўпайди. Минглаб одамлар ана шу ташкилотлардан ўз иш ўринларини топишди. Улар солиққа тортилмаганлиги боис, муайян иқтисодий фойдани ижтимоий муҳофаза мақсадларига сарфлаш имкони яратилди.

— Сир бўлмаса айтинг-чи, қанча корхона ва фуқаро имтиёзлардан бахраманд бўлаяпти?

— Вилоятимизда 4439 та кичик ва ўрта бизнес субъектлари фаолият кўрсатиб келмоқда. Уларнинг 1477 таси «Солиқ кодекси»да кўзда тутилган имтиёзлардан бахраманд бўлишаяпти. Улар манфаати учун маҳаллий бюджет катта миқдордаги солиқ тушумларидан воз кечган. Кўриниб турибдики, янги корхоналар ўз ҳисобида имтиёз сифатида қолдирилган маблағлардан оқилона фойдаланса-лар, оёққа туриб олишлари учун катта имконият бор. Қолаверса, бу маблағ корхонага тажрибали ишчилар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш, ўқитиш ва қайта ўқитиш, моддий таъминотини йўлга қўйиш, иш ҳақи, мукофот ва моддий ёрдам тўлаш кафолатини беради. Вилоятда рўйхатга олинган бизнес субъектларининг 33,3 фоизига шундай имконият бериб қўйилган. Ёки деҳқон-фермер хўжаликларини олиб кўрайлик. Улар ҳам ўз фаолиятининг дастлабки икки йилида даромад солиғи тўлашмайди. Давлат мададини тобора равшанроқ англаб етаётган фуқароларимиз ўз хусусий мулкига эга бўлиш лозимлигини пайқашди. Деҳқончилик соҳасида ҳам тадбиркорликка қўл урганлар бир йилда қарийб икки баробарга ошди. Мулкка эгалик ҳисси кучайди.

(Давоми 3-бетда).

Бир Фармон шарофати

ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 10 ЙИЛЛИГИГА

Жиззах туманидаги 17-мактаб жамоаси республика «Йил мактаби—2000» кўрик-танлови ғолиби деб топилди. Мазкур билим масканида мингдан зиёд ўқувчилар таълим-тарбия олишади. Уларга юздан ортиқ устозлар билим сирларини чуқур ўргатиб келишаяпти.

Суратда: Мактабнинг бошланғич синф ўқитувчилари навбатдаги услубий йиғилишни ўтказаётган пайт.

«СОЙИЛЖОЙ» академик лицейида

Жиззах Давлат педагогика институти қошидаги «Сойилжой» академик лицейимиз шу йилнинг апрел ойида очилган эди. Жаҳон андозаларига мос билимгоҳимиз 825 ўринли ўқув корпуси, 200 ўринли талабалар уйи, спорт саройи, мажлислар зали, кутубхона, ошхона, футбол майдони, 2 та теннис корти, баскетбол ва волейбол майдонлари, 4 та компьютер синфи, 5 та кимё, 2 та биология синфлари, 4 та физика лабораториясига эга. Уларни замонавий ўқув дастгоҳлари билан таъминлаш учун 1 миллион 600 минг сўм маблағ сарфланди.

Кадрларни танлашда янгича йўл тутдик. Яъни йил бошидан ўқитувчилар ўртасида танлов эълон қилинди. Унда бир ўринга 8 ўқитувчи талабгор бўлди. Улардан энг иқтидорли ва билимлилари махсус тест саволлари орқали ишга қабул қилиндилар.

Бугунги кунда Т.Холтўраев, Б.Абдуқаҳҳорова, У.Ражабова, Ш.Хидиров сингари ўқитувчиларимиз борлигидан ҳақли равишда фахрланамиз.

Чет элларда малака ошириб келган ўқитувчиларимиз сафи кенгайиб бормоқда. Инглиз тили ўқитувчиси Умида Ражабова, биология ўқитувчиси Дилфуза Маҳмудова Жанубий Кореяда малака оширган бўлсалар, инглиз тили муаллимаси Шоҳсанам Қодирова Англияда бўлиб қайтди. Улар бор билим ва маҳоратларини ёшлар тарбиясига бағишламоқдалар.

Яқинда бир танишим Қорақўл туманидаги лицей ҳақида тўлқинланиб ҳикоя қилиб берди:

— Мазкур лицей ўқувчилари, нафақат олийгоҳларга ўқишга киришга, балки жаҳон фан олимпиадаларида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилиш учун интилмоқдалар. Нақадар улуғ мақсад!

Хидир САТТОРОВ,
Жиззах Давлат педагогика институти қошидаги «Сойилжой» академик лицейи директори, физика-математика фанлари номзоди.

ЮКСАЛИШ РАҚАМЛАРДА

Истиқлол йилларида вилоятда умумтаълим мактабларининг сони 439 тадан 527 тага, мактабгача таълим муассасалари эса 160 тадан 212 тага етди.

260 та мактаб компьютерлаштирилди.

Айни кунда 527 та мактабда 19160 нафар ўқитувчи фаолият кўрсатмоқда.

Иқтидорли болаларга эътиборни кучайтириш, уларга чуқур билим бериш мақсадида 70та мактабда фанлар чуқур ўргатиладиган синфлар, 16 та ихтисослашган мактаб ташкил этилган. Уларда 2001 нафар ўқувчи таълим олмоқда.

Истиқлол йилларида вилоятдаги иқтидорли ўқувчилардан 26 нафари республика фан олимпиадаларида фахрли ўринларни эгаллашди. Улардан 17 нафари чет элда ўтказилган кўрик-танловларда ғолиб чиқиб, ўқишни хорижда давом эттирмоқдалар.

Жиззах шаҳридаги 3-ўрта мактаб ўқувчиси, шахмат бўйича Ўзбекистоннинг уч карра чемпиони Юлдуз Ҳамроқулова шу йил апрел-май ойларида Жиззах шаҳрида ўтказилган I-республика «Баркамол авлод» спорт ўйинлари мусобақаси машъаласини ёқиш шарафига муяссар бўлди.

23 та фан бўйича тажриба-синов майдончалари ташкил этилган бўлиб, уларнинг натижалари ташкилий-педагогик ва илмий-методик жиҳатдан таҳлил этилиб, республика таълим марказига 192 та таклиф берилди.

32 та ўрта махсус касб-ҳунар ўқув юртларида 18 минг ўқувчи таълим-тарбия олмоқда.

Янги типдаги академик лицейлар, касб-ҳунар коллежларини реконструкциялаш ва қурилиш ишлари учун 2 миллиард 921 миллион 600 минг сўм маблағ сарфланди.

Вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитасига 736 та бошланғич касаба уюшма ташкилоти бирлашган бўлиб, касаба уюшма аъзолари сони 36001 кишини ташкил этади.

Ҳозирда тармоқда 13 та меҳнат келишуви (битим), 86 та жамоа шартномалари амал қилиб келмоқда.

Истиқлол йиллари 26815 нафар педагог ва халқ таълими ходимларининг малакаси оширилди, қайта тайёргарликдан ўтказилди.

Ижтимоий ҳимоя

Халқ таълими бошқармаси билан вилоят тармоқ касаба уюшма қўмитаси ўртасида тузилган битимга асосан Президент Фармонлари, республика ҳукуматининг ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича қабул қилган қарорлари амалийлигини таъминлаш, иш ҳақи, қўшимча ҳақ тўлаш, тармоққа қарашли соғломлаштириш масканларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ходимлар ва талаба-ёшларга қўшимча имтиёзлар, ўқиш шароитларини яхшилаш, меҳнатни муҳофаза қилиш каби масалалар киритилиб, уларнинг бажарилиши устидан назорат олиб борилмоқда.

ЎҚИТУВЧИ АЁЛЛАРГА қўшимча имтиёз

Яна бир муҳим жиҳати шундаки, жамоа келишувлари ва меҳнат битимларига аёллар ҳамда ёшларга қонун ва меъёрий ҳужжатларда белгиланганидан кенгроқ имтиёзлар берувчи бўлимлар киритилган. Булар қуйидагиларда акс этади:

— ишловчи аёллар меҳнатини муҳофаза қилиш мақсадида 2 ёшгача боласи бор аёлларнинг иш соатларини камайтириш;

— ҳомиладор аёллар ҳамда 3 ёшгача боласи бор аёллар билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчи ташаббуси билан бекор қилишга йўл қўймаслик;

— дарс соатларини тақсимлашда, дарс жадвалларини тузишда ўқитувчи аёлларнинг имкониятларини ҳисобга олиш, имтиёзлар яратиш.

Битимга киритилган меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича бир қатор масалалар ижобий ҳал этиб келинмоқда.

Ўтган йили жами 1107 киши сиҳатгоҳларда дам олдирилган бўлса, улардан 597 нафари талабалардир.

Тармоқда ишловчи уруш қатнашчилари, ногиронлар, байналмилал ҳарбий хизматчилар, янги оилалар, ишловчи ҳамда нафақахўрлар белгиланган имтиёзлардан тўлиқ фойдаланмоқдалар.

Меҳнат битимлари тармоқ ходимларини ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялашда янада кенгроқ имкониятлар очиб беришга хизмат қилмоқда.

Малика ЗОКИРОВА,
вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси масъул ходими.

Сўз таълим-тарбия фидойиларига

ИСТИҚЛОЛ МЕНИНГ ТАҚДИРИМДА

Маҳкам ҚУВВАТОВ, Жиззах шаҳридаги 2-мактабнинг немис тили ўқитувчиси:

— Истиқлол шарофати туфайли Германияга бориш шарафига муяссар бўлдим. Ўзбекистон Республикасининг оддий фуқароси, бир ўқитувчи сифатида шундай ривожланган мамлакатнинг халқ таълими тизими билан танишиш, малака ошириш учун таклифнома олганимдан фахрландим.

Бу ерда немис тили, маданияти, тарихи, ўқув муассасалари билан танишдим. Ҳар бир учрашувда ва машғулотда Ватанимиз тарихи, маданияти, буюк кишилари, ҳозирги кунда Президентимиз томонидан халқ таълими ривожига ва ёшларга кўрсатилаётган меҳрибонликлар ҳақида ғурур билан сўзлаб бердим.

Шердил ҚОСИМОВ, Фориш туманидаги 7-мактабнинг олий тоифали мусиқа ўқитувчиси:

— Мустақиллик йилларида меҳнатим қадрланиб, 9 марта республика «Санъат байрами» ғолиби дипломи билан, «Сайёд ғунчалари» болалар дастасини тузганлигим ва миллий спорт ўйинидаги ташкилотчилигим учун «Меҳнат шуҳрати» орденига сазовор бўлдим. Менинг камтарона меҳнатимга берилган мукофот давлатимизнинг санъатга, спортга, миллий қадриятларимизни тиклашга бўлган юксак эътиборидан, деб биламан.

Саховатпешалар

«ШАХСИЙ ҲИСОБИМДАН МАКТАБ ҚУРДИМ»

Бердимурод АВЕЗОВ, Ғаллаорол туманидаги 42-мактаб ўқитувчиси:

— Шахсий фермам бор. Тадбиркорлик қилишимдан асосий мақсад — аввало оиламнинг, қолаверса, ҳар бир қишлоқдошимнинг тўқ ва фаровон яшашига ҳисса қўшиш деб биламан. Шунинг учун ҳам қишлоқдошларимнинг фарзандлари ўқийдиган мактабга 8 та синфхона қуриб бердим. Бундан фахрланаман.

Ботир ШОИМҚУЛОВ, Зомин туман йўл қурилиш бўлими раҳбари:

— Мактабларга ҳомийлик ёрдами беришни жонажон ишим деб биламан. Шунинг учун ҳам туманимиздаги 31-мактабни табиий газ билан таъминлаб, иситиш тармоғини ишлатиб бердик. Бу ҳар бир раҳбарнинг инсонийлик бурчидир.

Абил МИРЗАБЕКОВ, меҳнат фахрийси:

— Туманимиздаги 52-мактабда тез-тез бўлиб тураман. Бу билим масканида фарзандларимиз таълим-тарбия олишиб, камолга етишаяпти. Шахсий жамғармам ҳисобидан баҳоли қудрат кам таъминланган оилалар фарзандларига дарсликлар олиб беришга ҳомийлик қилаяпман. Ахир болалар — бизнинг келажагимиз.

Тадбиркорлик

Таълим-тарбия муассасаларида тадбиркорлик, ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш алоҳида аҳамият касб этишини амалда ҳис этдим.

ЎЗИМИЗНИ ЎЗИМИЗ маблағ билан таъминладик

Ўзим раҳбарлик қилаётган мактаб-боғча қошида фермер хўжалиги ташкил этиб, 1994 йилда 24 гектар ерда пахта, ғалла етиштирдик. Даромад ҳисобига 4 бош қорамол, 50 та ўрдак сотиб олдик. Бундан мактабимизга ҳар йили миллион-миллион сўм даромад келаяпти.

Ана шу маблағ ҳисобидан аҳолига ижара хизмати ташкил этилди. Унда видео, столстул, тўй анжомлари, биллиард, буфет ва бошқа хизмат турлари мавжуд. Мактаб-боғчани жиҳозладик, «Дамас» русумли автомашина, 10 та тикув машинаси, телевизор, видеокамера, видеомагнитафон ва бошқа ўқув-хўжалик ашёлари сотиб олдик.

Мактаб-боғча биносининг иситиш тармоғига 1 миллион 400 минг сўм сарфладик, ҳар йили бинони таъмирлашга 200 минг сўмдан зиёд пул ажратаяпмиз. Жиҳозлар сотиб олишга 60 минг, ўқитувчи ва ўқувчиларни тақдирлаш учун 40 минг, моддий ёрдам сифатида 20 минг ва бошқа тадбирларга 40 минг сўм сарфлаяпмиз.

Ўтган йили пахта ҳосили ҳисобидан боғчанинг озиқ-овқат таъминотини яхшилаш учун 500 литр ўсимлик ёғи олдик.

Фермер хўжалигимиз даромади ҳисобидан 45 нафар тарбияланувчи боғча бадалидан 50 фоизга, 10 нафар кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари боғча бадалидан тўлиқ озод этилди.

Амалга ошираётган ана шундай ишларимизнинг барчаси истиқлол, мустақиллик шарофатидан, деб биламан.

Облоқул БОЛИЕВ, Зафаробод туманидаги 3-мактаб-боғча директори.

МУКОФОТ ОЛҒА УНДАЙДИ

Фармонқул НОРМАТОВ, Янгиобод туманидаги 12-мактаб бошланғич синф ўқитувчиси:

— Оддий бир қишлоқ ўқитувчиси 1-даражали «Соғлом авлод» ордени билан тақдирландим. Буни мен фақат ўзимга эмас, балки бутун қишлоқ ўқитувчиларига берилган мукофот, деб ўйлайман. Бунга жавобан янада ғайрат кўрсатиб ишлаш талаб этилади.

Дилфуза РАЖАБОВА, Жиззах туманидаги 36-мактабнинг 11-синф ўқувчиси, Зулфия мукофоти совриндори:

— Мен, оддий бир қишлоқ мактаби ўқувчисига истиқлолимизнинг ўнинчи йили баҳори катта қувонч ва омад келтирди. Зулфия номидаги Давлат мукофотининг совриндори бўлдим. Бу мен учун улкан бахт бўлса, мактабдошларим учун фахр, деб биламан.

Пахтакор туманидаги Агроколлеж биноси

И. ҲАСАНОВ олган сурат

Салоҳиятнинг эркин намойиши

Истиқлол том маънода халқ таълими ходимлари мавқеи ҳамда обрў-эътиборини янада ошириш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, ижтимоий муҳофазалаш имконини берди.

«БАНК» СИНФИ

Таълим соҳасидаги рўй берган ижобий ўзгаришлар халқ таълими ходимларига ўз иқтидорларини эркин намойиш қилиш имкониятини яратди. Уларнинг қобилиятлари ва касбий маҳоратларини оширишга зарур шарт-шароитлар туғдирди.

Вилоятимизда истиқлолнинг биринчи йилидан бошлаб «Йил ўқитувчиси» кўрик-танлови ўтказиб келинмоқда. Ушбу кўрик-танловнинг ўтган йилги вилоят босқичида қатнашиб, фахрли биринчи ўринни эгалладим.

Маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий таълим муҳим аҳамият касб этади. Ана шу мақсадда мактабимизда «Банк синфи» ташкил қилдик. Ўқувчиларга бозор иқтисодиётига оид билимлар беришда ёшига мос материаллар танлаш, уларни ёшлар онгига сингдириш борасида анчагина тажриба тўпладим.

Айни пайтда «Ўқитувчиларнинг ўз-ўзини бошқариш методикаси» бўйича илмий-тадқиқот ишини олиб бораяпман.

Рустам МУРОДОВ, Жиззах шаҳридаги 6-мактабнинг «Иқтисодий таълим» фани ўқитувчиси.

КУТУБХОНАГА ЭЪТИБОР ШУМИ?

Маънавиятимиздаги кемтиклик

Бугунги мактаб кутубхонаси қандай бўлиши керак? Замон талабларига кўра зиё маскани янги адабиётлар билан таъминланган, ўқувчилар билан доим гавжум, истаган китоб ҳамда оммавий нашрларни олиб мутолаа қилиш учун барча шароитлар яратилган, кенг ва ёруғ бўлиши керак. Ана шундагина кутубхона ўз ўқувчисини хурсанд этиши, китобхонлар сони кўпайиши муқаррар.

Пахтакор шаҳридаги А.Қодирий номли 9-ўрта мактаб кутубхонасида бўлганимизда бу-ларнинг тамоман аксини кўрдик. Аввало кутубхона мактаб фойесида жойлашган бўлиб, қишда совуқ, ёзда исиб кетади, ўқув зали йўқ.

Мактабда мингдан ортиқ ўқувчи таълим-тарбия олаётган бўлсада, китобхонларнинг умумий сони 300 нафардан ошмаяпти.

Кутубхоначи Санобар Шодмонқулованинг таъкидлашича, 54 номда 300 нусха бадиий китоблар мавжуд. Лотин алифбосида битилган бадиий адабиётлар умуман йўқ. Бу 7-синфгача бўлган ўқувчиларнинг бирортаси мактаб кутубхонасининг маърифат зиёсидан баҳраманд бўлолмаяпти дегани эмасми?

Мактаб ўтаётган ўқув йилида маҳаллий бюджет ҳисобидан 55 та, Осиё ривожланиш банкидан 203 нусха дарсликлар олди. 2-синфнинг «Рус тили», «Она тили», 3-синфнинг «Рус тили», «Табиат» дарсликлари кутубхонада умуман йўқ. Ваҳоланки, мактабнинг 2-синфида 139 нафар, 3-синфида 314 нафар бола ўқиётганини эътиборга олсак ташвишимиз ўринлилиги маълум бўлади.

Туман халқ таълими бўлими томонидан ўтган йили «Китоб савдо расталари» мазкур билим даргоҳида ҳам ташкил этилган эди. Кутубхоначи С.Шодмонқулова 100 минг сўмлик китоб сотган бўлсада, бирор сўмлик моддий манфаат топмади. Бу йил ҳам ана шу ҳол яна такрорланиши эҳтимолдан холи эмас.

Оммавий матбуот нашрларига обуна яхши ташкил этилмагани учун кўпгина газета-журналларни бу ердан тополмайсиз.

Пахтакор туман халқ таълими бўлими мутасаддилари мактаб кутубхоналарига эътиборни тубдан ўзгартириш вақти етганлигини наҳотки сезишмаётган бўлса...

А.АЗИМОВ, «Ишонч» мухбири.

5 июн — Бутунжаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш куни

ОНА ТАБИАТ ОЛДИДАГИ ЖАВОБГАРЛИК

Она табиатни асраш, унга нисбатан муносабатни тубдан ўзгартириш бугунги кунда энг муҳим вазифа, виждоний бурчга айланиб қолди. Энди тан олаяпмизки, узоқ йиллар давомида биз табиатга бир томонлама муносабатда бўлдик. Ундан фақат олдигу, аммо эртанги кунимизни ўйламадик. Бу билан биз фақат табиатнигина эмас, балки ўз-ўзимизни ҳам алдадик.

Шу ўринда, юртбошимизнинг ўлкамиз табиий манбаларидан фойдаланишда йўл қўйилаётган камчиликлар ҳақида айтган қуйидаги сўзларини эслатиб ўтиш мақсадга мувофиқ деб ўйлайман. «Биз табиий манбаларимиздан орқа ўнгимизга қарамасдан, хўжасизларча фойдаланишимиз мумкин эмас, чунки уларнинг кўпчилигини тиклаб бўлмайди. Ахир булар бизга ота-боболаримиздан қолган нафақат мерос, балки шу билан бирга келгуси авлодлар номидан бизга берилган бебаҳо нишонадир ҳам. Бу нишонани биз сақлашимиз ва кўпайтиришимиз керак, тоинки уни фарзандларимизга ва набираларимизга чин виждонан адо этилган бурч ҳис туйғуси билан топширайлик».

Аммо ҳали ҳам табиатга муносабатимизни тубдан ўзгартирганимизча йўқ. Фақатгина вилоятимизни оладиган бўлсак, бу ердаги баъзи саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотлари ҳанузгача атроф-муҳитга зарар келтиришни давом эттирмоқда. Вилоят ҳудудидаги барча саноат корхоналари қурилиш ва транспорт ташкилотлари йилига атроф-муҳитга 450 минг тоннадан зиёд ифлослантирувчи моддаларни чиқармоқда. Уларнинг таркибида тирик мавжудот учун ўта зарарли ҳисобланган олтингугурт, углеводород ва қуюқ чанг-тўзонли кимёвий бирикмалар бор.

Эколог мутахассисларимиз, шунингдек, корхона ва ташкилотлар томонидан кўрилаётган чора-тадбирлар туфайли атмосферага чиқарилаётган ҳамда очиқдаги оқава сувларга ташланаётган ифлослантирувчи моддалар миқдори кескин камайиб, вилоятдаги экологик ҳолатни бирмунча яхшилаш имконини берди.

Вилоятимизда сув манбаларидан ҳам кўп фойдаланилмоқда. Ҳар йили истеъмол учун сарфланадиган оби ҳаёт ҳажми қарийб 7 миллиард куб метрни ташкил этмоқда. Шундан 2,4 миллиард куб метри саноатда, 4,2 миллиард куб метри қишлоқ хўжалигида ишлатилмоқда. Коммунал хўжалиги эҳтиёжлари учун фойдаланилаётган сув миқдори эса 0,3 миллиард куб метрни ташкил этади.

Ишлатилган сувнинг 4,4 миллиард куб метргача бўлган миқдори сув иншоотларига қайтарилмоқда. Унинг 3,9 миллиард метри эса ифлосланган-дир. Албатта бу иш ўз ҳолига ташлаб қўйилгани йўқ. Уни тузатиш учун курашилмоқда. Мутахассисларимиз бу соҳада маҳаллий ҳокимиятлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, санитария-эпидемиология станциялари мутахассислари, кенг жамоатчилик билан яқин ҳамкорлик қилиб келмоқдалар.

Сув манбаларини муҳофаза қилиш бўйича ишлаб чиқилган тадбирларнинг амалга оширилиши туфайли сув сифатининг муайян яхшиланишига эришилди. Масалан, Чирчиқ дарёсида нефт маҳсулотлари билан булғаниш ўн баравар, Оҳангарон дарёсида хром миқдори уч баравар, Сирдарёда эса нефт маҳсулотлари миқдори 1,5 баравар камайди.

Қўмитамиз ходимлари ер манбаларидан, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидан фойдаланишнинг ҳолати устидан ҳам назорат олиб бормоқдалар. Шу нарсани мамнуният билан эътироф этиш керакки, кейинги вақтларда жамоатчи экологлар, бевосита аҳолининг ўзи хайрли ишимизда фаол қатнашмоқда. Ўз навбатида бу ҳам табиатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ тадбирларнинг кўламини кенгайтиришга олиб келмоқда.

Ўлкамиздаги, шу жумладан, вилоятимиздаги мавжуд экологик муаммоларни ҳал қилиш мақсадида республика ҳукумати 2005 йилгача бўлган даврда атроф-муҳит муҳофазаси бўйича миллий дастурни қабул қилди. Унда бизнинг вилоятимизда ҳам экологик муаммоларни ҳал қилиш йўллари аниқ кўрсатиб берилган. Дастурни амалга ошириш юзасидан вилоят ҳокимлиги ва вилоят табиатини муҳофаза қилиш қўмитаси биргаликда аниқ режа-тадбирлар ишлаб чиқди.

Шуни мамнуният билан таъкидлаш лозимки, бугунги кунда жойларда кенгашлар ва уларнинг ижро этувчи органлари экология масалаларига эътиборни кучайтирмоқдалар. Улар табиатни муҳофаза қилиш масалаларини кенгайтирилган мажлисларда, халқ депутатлари Кенгашлари сессияларида муҳокама қилиб, бу борадаги ишлар самарадорлигини ошириш учун амалий иш олиб бораётирлар. Биз экология масалаларига бағишлаб илмий-амалий конференциялар ташкил этмоқдамиз. Уларда ишлаб чиқилган тавсияларни амалга ошириш учун тарғибот ишларини кучайтираётирмиз. Ходимларимиз меҳнат жамоаларида, маҳалла аҳоли ҳузурида, шунингдек, мактаб ва коллежларда қизиқарли суҳбатлар, савол-жавоб кечалари ўтказаётирлар.

Бизнинг асосий вазифаларимиздан яна бири — бу ҳукуматимизнинг атроф-муҳит муҳофазаси билан боғлиқ Қонун ва Қарорларини халқимиз онгига, айниқса, ўсиб бораётган ёш авлод онгига сингдириб боришдан, келажакда уларнинг ҳар бирини она табиатни асраб-авайлаш учун жавобгарлик руҳида тарбиялашдан иборатдир.

Т.ИРГАШЕВ,
Тошкент вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси.

Саволингизга ҳуқуқшунос Ҳамидулла Премқулов жавоб беради

САВОЛ: Болаликдан II-гуруҳ ногиронман. 1970-75 йилларда Бухоро педагогика институтини тамомлаб математика ўқитувчиси ихтисосини олганман ва ҳозиргача ўқитувчи бўлиб ишлаб келмоқдаман. Мен бундан буён ҳам фаолиятимни давом эттиришим мумкинми, қолаверса, бизга қандай имтиёзлар яратилган?

Кўчқор БОБОЕВ, Нарпай тумани,
Ибн Сино жамоа хўжалиги.

ЖАВОБ: амалдаги қонунларимизнинг биронтасида «Ногиронлар ишлаши мумкин эмас» дейилмаган. Аксинча, уларга бошқаларга нисбатан имтиёзли шароитлар яратишни, қўшимча кафолатлар берилиши назарда тутилган. Қонунчилигимизда бундай нормаларнинг акс эттирилиши Президентимиз томонидан ищлаб чиқилган машҳур беш тамойил, хусусан, «Кучли ижтимоий ҳимоя» тамойилига ҳамоҳангдир.

Жумладан, Меҳнат Кодексининг 68-моддасига биноан давлат ижтимоий ҳимояга муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлашишга

қодир бўлмаган шахсларга (бу ўринда бир қатор тоифадагилар кўрсатиб ўтилган бўлиб, улар қаторида ногиронлар ҳам назарда тутилгандир) қўшимча иш жойлари, ихтисослаштирилган корхоналар, шу жумладан, ногиронлар меҳнат қиладиган корхоналар барпо этиш, иш ўргатишнинг махсус дастурини ташкил этиш, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар учун кўрсатилган тоифадаги фуқароларни ишга жойлаштириш минимал иш жойларини белгилаб қўйиш, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа чоралар билан қўшимча кафолатларни таъминлайди.

Умумий ҳуқуқга эга бўлган шахслар учун 15 кундан кам бўлмаган миқдорда меҳнат таътили белгиланган бўлса, ушбу кодекснинг 135-моддасида I ва II гуруҳ ногиронларига 30 календар кунидан иборат меҳнат таътили белгиланган. Яна айтиш керакки, умумий ҳуқуқга эга бўлган шахслар биринчи иш йилида 6 ой ишлаганларидан сўнг меҳнат таътилини олишлари мумкин бўлса, I ва II гуруҳ ногиронлари 6 ой ўтмасдан аввал ҳам таътил олишлари мумкин.

Қайд этилган кодекснинг 220-моддасида айтилишича, иш берувчи (маъмурият) белгиланган минимал иш жойлари ҳисобидан, иш жойларига ишга жойлаштириш тартибида маҳаллий меҳнат органи томонидан йўлланган ногиронларни ишга қабул қилиши шарт. (Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 август Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 9-сон, 181-модда) ТМЭКнинг ногиронларга тўлиқсиз иш вақти режими ўрнатиш, уларнинг вазифасини камайтириш ва меҳнатнинг бошқа шартлари ҳақидаги тавсияларни бажариш иш берувчи учун мажбурийдир. I ва II гуруҳ ногиронларига меҳнатга ҳақ тўлаш камайтирилмаган ҳолда иш вақтининг ҳафтасига ўттиз олти соатдан ошмайдиган қисқартирилган муддати белгиланади.

I ва II гуруҳ ногиронларига ўттиз календар кундан кам бўлмаган муддат билан йиллик узайтирилган асосий таътил берилади.

Ногиронларни тунги вақтдаги ишларга, шунингдек, иш вақтидан ташқари ишларга жалб қилишга уларнинг розилиги билангина, башарти улар учун бундай ишлар тиббий тавсияларда таъкидланмаган бўлса, йўл қўйилади.

Ундан ташқари Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида ногиронларнинг ижтимоий ҳимояланганлиги ҳақида»ги Қонунининг 28, 29, 30-моддаларида ҳам ногиронларга меҳнат қилиш борасида бир қанча кафолатлар назарда тутилган бўлиб улар қуйидагилардан иборат:

— Ногиронларнинг ижодий ва ишлаб чиқариш қобилиятларини рўёбга чиқариш мақсадида ҳамда тиклашнинг якка тартибдаги дастурларини ҳисобга олиб, уларга меҳнат шароити одатдагича бўлган корхоналар, бирлашмалар, муассасалар ва ташкилотларда, ногиронлар меҳнати қўлланиладиган ихтисослаштирилган корхоналарда, цехларда ва участкаларда ишлаш ҳуқуқи, шунингдек, якка тартибдаги меҳнат фаолияти ҳамда қонун билан тақиқланмаган ўзгача меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи таъминланади.

— Ногирон билан меҳнат шартномаси тузишдан ёки хизмат юзасидан уни юқори лавозимга кўтаришдан бош тортишга маъмурият ташаббуси билан ишдан бўшатишга, ногиронлиги учун уни ўз розилигисиз бошқа ишга ўтказишга йўл қўйилмайди. Тиббий-ижтимоий экспертизанинг хулосасига кўра, ногироннинг саломатлиги бу касб вазифаларини бажаришга монелик қилган ёки ногироннинг ёхуд бошқа кишиларнинг саломатлиги ва меҳнат хавфсизлигига таҳдид қилган ҳоллар бундан мустаснодир.

— Ногирон ўз меҳнат қобилиятини тиклаганидан кейин аввалги ишига ёки шунга тенг ишга жойлашиш ҳуқуқига эга.

— Ногиронларни иш билан таъминлаш мақсадида давлат идоралари ногиронларнинг касаба уюшмалари ва жамоат бирлашмалари иштирокида корхоналарда, бирлашмалар, муассасаларда ва ташкилотларда ишловчилар сонининг камида 3 фоизи миқдорида ногиронлар учун иш жойларини банд қилиб қўйиш нормаларини белгилайди (камида 34 киши).

— Ногиронлар учун иш жойларини банд қилиб қўйишни таъминламаган ёки уларни ишга жойлаштиришдан бўйин товлаган корхоналар, бирлашмалар муассасалар ва ташкилотлар давлат ҳокимияти маҳаллий идораларига Ўзбекистон Республикасининг қонунларида белгилаб қўйиладиган тартибда ногиронларни ишга жойлаштириш ва уларга моддий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ харажатларнинг ўрнини қоплаш учун пул тўлайди.

— Ногиронларнинг меҳнатидан фойдаланиш учун ногиронларнинг эҳтиёжларини ва маҳаллий хусусиятларни ҳисобга олиб, махсус корхоналар, цехлар ва участкалар барпо этилади. Кўзи ожиз ногиронлар шароити ўзларининг имкониятларига мос келадиган ишлаб чиқаришларда қатнашишда устунлик ҳуқуқига эга.

— Маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари, корхоналар ва бирлашмалар уйда ишловчи ногиронларга, шунингдек, якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан банд бўлган ногиронларга мазкур фаолият учун одам турмайдиган бино ёки хоналар ажратиб бериш, хом ашё сотиб олиш ва маҳсулотни сотишда зарур ёрдам беради.

— Корхоналарда, бирлашмаларда, муассасаларда ва ташкилотларда ишлаётган ногиронларга соғлиғини тиклашнинг якка тартибдаги дастурига мувофиқ равишда зарур меҳнат шароити яратилади.

— Меҳнат шароити, шу жумладан, меҳнатга ҳақ тўлаш, иш вақти, тартиби ва дам олиш вақти, жамоа ёки якка тартиб-

даги меҳнат шартномасида белгилаб қўйиладиган йиллик ва қўшимча таътилларнинг муддати амалдаги норматив ҳужжатларда кўзда тутилганидан кам бўлмаслиги ва бошқа ходимларга нисбатан ногиронларнинг аҳволини ёмонлаштирмаслиги ёки уларнинг ҳуқуқларини чекламаслиги керак.

Энди сизга «II гуруҳ ногирони ишламайди» дейишганига келсак — бу нотўғри.

Агар ишлаб турган ходим саломатлиги туфайли бажараётган вазифасига нолойиқ деб топилса (бунда унга ногиронлик берилган, берилмаганлиги масаланинг моҳиятини ўзгартирмайди: масалан, баққоллик цехида ишлаб турган ходим шундай дардга чалиниши мумкинки, энди у бу цехда ишлаши мумкин бўлмайди, гарчи ногиронлик берилмаган бўлса-да) уни юқорида қайд этилган кодекснинг 100-моддаси 2-қисмининг 2-бандига биноан ишдан бўшатишга йўл қўйилади. Бу — «у умуман ишлаши мумкин эмас» деган хулоса эмас. У саломатлигига тўғри келадиган бошқа ишни бажариши мумкин. Сиз агар вазифангизга нолойиқ деб топилмаган бўлсангиз, ишни давом эттиришга ҳақлисиз.

СОЛИҚ ТИЗИМИ ВА ИСТЕЪМОЛЧИ МАНФААТИ

(Боши 1-бетда).

Ўрни келганида фуқаролар ижтимоий муҳофазасини яхшилаш мақсадида бир қатор солиқ тўловларидаги афзалликлар хусусида тўхталиш лозим деб ўйлайман. Кам таъминланган, кўп болали оилалар, уруш ва меҳнат фахрийлари, ногиронлар, боқувчисини йўқотганлар, байналмилалчи жангчиларга ҳам солиқ тўлашда имтиёзлар мавжуд. Вилоятимизда 92163 та ер солиғи тўлашга жалб этилган оилаларнинг 35 фоизи, 108953 та мол-мулк солиғи тўловчиларнинг 40,6 фоизи, 10091 та транспорт солиғи тўловчиларнинг 3,6 фоизи имтиёзли саналади. Таъбир жоиз бўлса, вилоят аҳлининг 60-65 фоизи давлатимизнинг бу ғамхўрлигини яққол ҳис этиб турибди. Шунингдек, жисмоний шахсларга тегишли бўлган ер, мол-мулк ва транспортдан солиқлар ундирилишида ҳам имтиёзлар тўла қўллаб келинмоқда.

— Меҳр-оқибат кўрсатиш халқимизга хос хислат саналади. Вилоятдаги бир қатор ташкилотлар ана шундай савобли ишларга ҳисса қўшиб келаётган экан...

— Тўғри. Бундайлар сони анчагина. Халқ манфаати йўлида сарфланган хайрия маблағларига солиқ тўлашда ҳам имтиёзлар кўзда тутилган. Чунончи, ўтган йили «Сарбонтекс» ҳиссадорлик жамияти ўз фойдасининг 3063 минг сўмини хайрия мақсадларига сарфлаганлар. Улар хотин-қизлар саломатлигини яхшилаш мақсадида аёллар маслаҳатхонасига 2280 минг сўм, болалар уйи ва мактабларга 105 минг сўм, байрам тадбирларига 540 минг сўм, кам таъминланган оилаларга 138 минг сўмлик ёрдам кўрсатишган. Гулистон ёғ экстракция заводи эса 3284 минг сўм, республика кимё заҳиралари базаси 403 минг сўмни хайрия мақсадларига ишлатганлари учун имтиёзга эга бўлишди. Воҳамизда яхшигина даромад топиб, уни халқ фаровонлиги йўлида сарфлаётганларни қўллаб-қувватлаб келаяпмиз.

— Истеъмолчи манфаати, ҳуқуқларини ҳимоялашда солиқ идораларига қандай масъулиятли вазифалар юклатилган?

— Вазирлар Маҳкамасининг «Республикада савдони эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 604-сонли қарори ижросини таъминлашга астойдил интилаяпмиз. Режали текширишларимиз натижасида 58 ҳолатда дўконда бўлиши лозим бўлган 8 хил турдаги маҳсулотлар савдога қўйилмагани аниқланди. Бундай ҳолат Меҳнатобод туманидаги 11 та дўконда ҳам қайд этилди. Масъулиятсизлик боис, кундалик эҳтиёж моллари нинг маълум турлари пештахтадан ўрин олмаган. Гулистон, Янгиер шаҳарлари, Мирзаобод, Ш.Рашидов номли туманлардаги баъзи савдо шоҳобчалари ҳам бундан мустасно эмас.

Бошқармамиз қошида «Назорат тартибида текширишларни ташкил этиш» гуруҳи фаолият кўрсата бошлаганидан буён бу борадаги ижобий натижалар яққол кўзга ташланиб қолди. Истеъмолчи ҳуқуқини ҳимоялаш, улар эҳтиёжига мос хизмат кўрсатишни таъминлашга интилаяпмиз.

— «Ишонч» телефонлари фаолияти ҳақида ҳам тўхталсангиз.

— Ўтган йили 29 маротаба сим орқали бўлган мурожаатни қабул қилгандик. Шу йилнинг биринчи чорагида эса бундай мулоқотлар сони 12 тани ташкил этди. Фуқароларимиз даромад солиғи миқдори, айрим истеъмол моллари тақчиллиги ва уларнинг амалдаги нархи, қўлланиладиган жарималарнинг қонунларга мослиги ва бошқа кўплаб саволларга аниқ жавоблар олишга муваффақ бўлдилар. Шу йилнинг 4 январида Гулистон шаҳар 1-мавзе 40-уйда яшовчи фуқаро Ахтам Баҳромов шаҳар матлубот жамияти маъмурияти 2000 йил учун иш ҳақини тўламай келаётганини, бу масалада ёрдам беришимизни сўради. Мутасадди ташкилотларни жалб этган ҳолда А.Баҳромовнинг маоши ундириб берилди.

Фуқаро Наргиза Аҳмедова 26 март куни қўнғироқ қилиб, бир қатор шахсий автотранспорт воситалари эгалари қинғир йўллар билан даромад орттираётганини маълум қилди. Ушбу ҳолат юзасидан ҳам тегишли чора-тадбирлар қўлланилди. Қонунбузарлар тегишли тарзда жиловландилар.

Қисқаси, «Ишонч» телефонларимиз кечаси-ю, кундузи эл хизматига камарбаста. Ҳар бир савол ва сўров эътиборсиз қолиб кетмайди.

— Солиқ тизими ходимларини ижтимоий муҳофазалаш ҳақида икки оғиз гапириб бersangиз.

— Ходимларимизнинг самарали меҳнат қилишлари учун барча шарт-шароит яратилган. 12 та шаҳар ва туман давлат солиқ инспекцияларидан 8 таси ўзларининг балансидаги замонавий биноларга, барчаси хизмат автотранспортларига, ахборотларни қайта ишлаш, узатиш ва қабул қилиш бўйича электрон алоқа тизимига эга. Солиқ идораларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасидаги ишлар муттасил давом этмоқда. Хусусан, яқинда ховослик солиқчилар ўз биноларига эга бўлишди. Ходимларимиз ўз вақтида ойлик маош, махсус шахсий унвон, узоқ йиллик хизмат учун устама ҳақ, махсус фонд ҳисобидан моддий ёрдам ва мукофот пуллари олиб турибди.

Суҳбатдош:
Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ишонч» мухбири.

Республикамиз шаҳар ва қишлоқлари чиройига чирой қўшилиб, янада кўркамлашиб бормоқда. Бунёд этилаётган турли иншоот ва турар-жой биноларини кўриб кўзингиз қувнайди.

Ана шундай обод шаҳар ва қишлоқлар учун равон, ҳар жиҳатдан талаб даражасидаги автомобил йўллари ҳам зарур. Бу борада ҳам талай ишлар амалга оширилаяпти десак, муболаға бўлмайди.

Жумладан, Янгийўл тумани автомобил йўллар бошқармаси жамоаси ҳам бу борада ибратли ишларни бажариб келаяпти. Бошқарма 261 км йўлга хизмат кўрсатади. Айни кунларда йўл таъмирлаш ишлари жадал суръатлар билан олиб борилаяпти. Бу йил 2300 туп турли мевали ва манзарали дарахт кўчатлари йўл атрофларига экилди. Тумандаги «Янги ҳаёт» ширкат хўжалиги ҳудудида тошни майдаловчи цех ишга туширилди. Натижада яна қўшимча 15 киши иш билан таъминланди.

Суратда: бошқарма мутахассислари галдаги ишлар хусусида фикрлашишмоқда.

Х.МИРЗАКАРИМОВ олган сурат.

СПОРТ — СОҒЛОМ АВЛОД ХИЗМАТИДА

Касаба уюшма тадбирлари

Ўзбекистон Ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси мамлакатимиз мустақиллигининг 10 йиллигига бағишлаб пойтахтимиздаги «Учқун» спорт мажмуида тармоқ меҳнаткашлари ўртасида анъанавий теннис турнирини ўтказди. Унда 2- босқич — шаҳар ва вилоят миқёсидаги мусобақаларнинг ғолиблари иштирок этдилар.

САЪИ — ҲАРАКАТ ЗОЕ КЕТМАДИ

— Турнир барчага маъқул келди, — деди тармоқ касаба уюшма Марказий қўмитаси раиси Алишер Ғуломов. — Чунки спорт инсонлар ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини ҳам йўлга қўяди. Бугунги тадбир соҳа ходимларининг ўзаро тажриба алмашуви ҳамда ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишни ҳам таъминлашига шубҳа йўқ. Зеро, ҳар томонлама рағбат муваффақият омилидир.

Ўта кўтаринки руҳ ва қизғин беллашувлар остида ўтган турнирда умумжамоа ҳисобида пойтахт тармоқ ишчи-хизматчиларининг «Тошкент - 2» жамоаси шоҳсупадан жой олди. Иккинчи ўринга мухлислар меҳрини қозонган «Тошкент - 1» жамоаси сазовор бўлди. Учинчи ўрин эса Фарғона вилояти теннисчиларига насиб этди.

45 ёшгача бўлган аёллар ўртасидаги баҳсларда «Тошкент - 1» жамоаси аъзоси, «Қизилтепагеология» лаборанти Н. Модинага тенг келадиган спортчи топилмади. Мусобақага пухта ҳозирлик кўриб келган «Тошкент - 2» жамоаси вакили, «Кўмир» ҳиссадорлик жамияти муҳандиси Э. Биришева иккинчи, Жиззах вилояти вакили Г.Малхасян учинчи ўринни эгалладилар.

45 ёшдан юқори бўлган аёллар мусобақаларида сирдарёлик Н. Абкелямова биринчи, тошкентлик Т.Власова иккинчи, «Тошкент - 1» жамоаси аъзоси Л.Федоренко учинчи бўлдилар.

Аёллар жуфтлик ўйинларида сирдарёлик теннисчилар Нодира Абкелямова ҳамда Элина Тошматовалар ғолиб чиқдилар.

«Тошкент - 2» жамоаси аъзолари Элионора Биришева ва Татяна Власовалар иккинчи ўринни эгалладилар. Учинчи ўрин ҳам пойтахтликлар-га насиб этди — «Тошкент - 1» жамоаси вакиллари Л.Федоренко ҳамда Н. Модиналар бу ўринни ўзларида сақлаб қолдилар.

45 ёшгача бўлган эркаклар ўйинида биринчи ва иккинчи ўринни қашқадарёлик Муҳиддин Шодиев ҳамда Шоди Намозовлар банд этдилар. Самарқанд вилоят электр тармоқлари корхонаси муҳандиси О.Левашовнинг саъй-ҳаракатлари зое кетмади, у ҳам кучли учликка кирди.



Эркаклар мусобақасида эса «Тошкент-1» жамоаси теннисчиси А.Гончаров биринчи, «Тошкент-2» жамоаси вакили А.Сираджев иккинчи, Фарғона вилояти спортчиси А.Раковский учинчи бўлдилар.

Эркаклар жуфтлик ўйинларида ҳам Қашқадарё вилояти вакилларининг қўли баланд келди: қизғин баҳсларда Ш.Намозов ва М.Шодиев жуфтлиги ғолиб чиқди.

«Ўзбекэнерго» Давлат акционерлик компанияси вакили А.Сираджев ва Ўзбекистон гидроэлектр қурилиш трести муҳандиси А. Гончаровлар жуфтлиги иккинчи, Тошкент вилояти жамоаси аъзолари О.Махмудов ҳамда Н. Поправко жуфтлиги учинчи бўлишди.

Ғолибларга тармоқ касаба уюшмаси Марказий қўмитаси фахрий ёрлиқлари ва қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

М. ЎРМОНБЕКОВА,
«Ишонч» мухбири.

Қисқа вақт ичида том маънода миллий ифтихоримизга айланган ўзбек кураши бўйича Термиз шаҳрининг «Кураш мажмуи» залларида «Соғлом авлод учун» республика жамғармаси совғини учун бўлиб ўтган якуний босқич мусобақалари ҳақиқий спорт байрамига айланиб кетди. Минглаб кураш ихлосмандлари олқишлари остида ўтказилган беллашувларда мамлакатимизнинг барча вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Тошкент шаҳридан 200 га яқин полвонлар иштирок этишди.

Суратларда: мусобақадан лавҳалар.

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар.

Футбол: Ўзбекистон кубоги

Дарҳақиқат, айтганларича бор: Кубок баҳслари ҳамиша муросасиз кечади. Мамлакат чемпионатида эгаллаб турган ўрнига кўра катта фарққа эга бўлган «Нефтчи» ва «Бухоро» ўйинида қутилганидек фарғоналиклар йирик ҳисоб (3:0)да ғалаба қозонган бўлса-да, меҳмонлар томошабин вазифасини ўтадилар, дейишга асло тил бормайди. Қарши ҳужумлар чоғида юзага келган қулай вазиятларнинг ўзи уч-тўртгага етганлиги ҳам фикримизни тасдиқлаб турибди. Фақат дарвозабон Георгий Забировнинг маҳорати туфайли бухороликлар кўзланган мақсадга эришолмадилар.

ХУЛОСАГА ҲАЛИ ЭРТА

Барча саволларга 16 июн куни жавоб оламиз

Умуман, ўйин майдон эгаларининг устунлиги остида ўтди. Айниқса, шу куни Анвар Бердиев яққол ажралиб турди. У икки гол муаллифи бўлиш билан бир қаторда Валентин Паддубний томонидан учинчи тўпнинг киритилишида ҳам бевосита иштирок этди.

«Пахтакор» жамоаси эса Қаршида «Насаф» билан учрашди. Гарчанд Анвар Солиевнинг аниқ зарбасидан сўнг тошкентликлар узоқ вақтгача олдинда борган эсалар-да, охир оқибат майдон эгаларининг астойдил интилишлари ўз ижобатини топди. Иккинчи бўлимда Бахтиёр Қамбаралиев ва Зафар Холмуродов томонидан киритилган икки тўп вазиятни бутунлай ўзгартириб юборди. Энди пахтакорчилар ҳисобни тенглаштириш учун ҳужумкор ўйин кўрсатишга мажбур эдилар. Буни қарангки зориқиб кутилган голга майдонга туширилган заҳира ўйинчиси — Игорь Шквирин муаллифлик қилди. Тажриба деганлари шу бўлса керак-да!

Ушбу учрашувлар футболимиз жонланиб бораётганининг ўзига хос намойиши бўлди, десак муболаға эмас. Бу, айниқса, ўйинчиларда фикрлаш, бирон қарорга келиш суръати анча ортганида кўзга ташланмоқда. Шунингдек, футболчиларимиз бош билан ўйнашда ўз маҳоратларини ошириб бораётганлари ҳам қувонарли ҳолдир. Дарвоқе, «Пахтакор» дарвозаси ҳар икки ҳолатда шундай ишғол қилингани бунга яққол мисол бўла олади.

Шу ўринда бир гап: Айнан ҳаводаги курашлар Олег Беляков учун оғир кечаётганини яна бир бор кузатдик. Буни илгари ҳам кўп кўрганмиз. Ваҳоланки, у мамлакат терма жамоасининг ҳам асосий дарвозабони ҳисобланади. Хорижликлар айнан бош билан ўйнашнинг ҳадисини олганликлари эса ҳаммамизга яхши маълум. Демак, О.Беляков ўз устида жиддий шуғулланиши лозим ёки унинг ўрнига муносиброқ бошқа дарвозабон излашга тўғри келади. Чунки футболда бир ҳақиқат бор: ҳимоячининг хатосини дарвозабон тузатиши мумкин, дарвозабоннинг хатоси эса гол демакдир.

З.РИХСИЕВ.

МАЙДОНДА ШИФОКОРЛАР

Ғаллаорол туман Марказий касалхонаси ходимлари ўртасида Истиқлолнинг 10 йиллиги шарафига бағишланган шахмат, шашка, волейбол бўйича спорт мусобақалари бўлиб ўтди. Уни маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси ҳамкорликда ташкил этдилар.

Шахмат бўйича баҳсларда жарроҳ Зариф Нурматов, шашка беллашувларида юқумли касалликлар бўлими ҳамшираси Сожида Ҳожимуродова биринчи ўринга сазовор бўлдилар.

Волейбол мусобақасида эса «Стационар» жамоаси пешқадамликни қўлга киритди.

Совриндорларга касаба уюшмаси совғалари тақдим этилди.

А.ЭРГАШЕВ.

Ютуқ ва муаммолар

Маълумки, спорт-соғломлаштириш ишларида оммавий тадбирларнинг аҳамияти катта. Шунинг учун Нарпай туманида мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланишга, спорт тўгараклари ва тадбирларига ёшларни кўпроқ жалб этишга алоҳида эътибор берилмоқда.

БИРИДА ЯХШИ, БИРИДА АКСИ

Туман халқ таълими бўлимига қарашли учта болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мавжуд бўлиб, уларда шуғулланувчилар сони 2,5 мингдан ортиқроқдир. Муҳими, ушбу спорт масканларида оммавийликка эришибгина қолмасдан, маҳоратли спортчилар тайёрлашга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Оқтош шаҳридаги Ойбек Рўзиев раҳбарлик қилаётган 3-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида яратилган шарт-шароит киши кўзини қувонтиради. Шу боис мураббийлар ҳам иштиёқ билан машғулот ўтишади. Самараси ҳам шунга яраша. Масалан, спорт мактабининг футбол командаси «Олимпиада умидлари» мусобақаларида вилоят босқичида ғолибликни қўлга киритди. Лекин муаммолар ҳам йўқ эмас. Футбол мураббийси Абдунаим Исломовнинг айтишича, спорт анжомлари етишмайди. Биринчи тиббий ёрдам учун зарур дори-дармонлар билан таъминлашда ҳам оқсоқлик мавжуд. Зарур ҳолларда бу муаммолар мактаб ўқитувчи-мураббийлари ҳисобидан ҳал қилинмоқда.

Айтганча, спорт мактабидаги шароит яхши дедик. Лекин айрим тўгарак машғулотларининг бошқа мактабларда ўтказилишини ҳисобга олсак, кўз ўнгингизда баъзи кўнгилхира ҳолатлар намоён бўлади. Масалан, стол тенниси бўйича асосий машғулотлар 58-мактабда ўтказилади. Бу ерда машғулотлар учун ажратилган катта хона талабга жавоб бермайди.

— Тан олишимиз керакки, баъзи тўгарак машғулотлари учун жойларда яратилган шароитдан кўнгил тўлмайди. Бироқ қўл қовуштириб ўтирганимиз йўқ, - дейди спорт мактаби директори О.Рўзиев. - «Зирабулоқпахта» ҳиссадорлик жамияти кўмагида мазкур корхона спорт мажмуида ёш боксчиларимиз учун намунали шароит яратиб берилди. Ремонт-механика заводининг турар-жой даҳасида эса ҳашар йўли билан кичик стадион қурдик. Туман ҳокимлиги ва халқ таълими бўлими бир қанча яхши ўйингоҳларни ихтиёримизга бериб қўйган. Ўйлайманки, қийинчиликлар ортда қолиб, оммавий спорт соҳасидаги ишларимиз янада жонланади.

Дарҳақиқат, мазкур спорт мактаби раҳбарининг сўзларида жон бор. Зеро, жамоа қийинчиликларга қарамасдан изланувчанлик руҳида фаолият кўрсатмоқда ва эътиборга лойиқ натижаларга эришмоқда ҳам. Афсуски, 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби аҳволи билан танишиш чоғида ҳафсаламиз пир бўлди. 2-БЎСМ тумандаги «Ғалаба» ширкат хўжалиги тасарруфидаги спорт мажмуида жойлашган. Мактаб учун ажратилган хоналар қоронғу ва зах. Бу ерда машғулотлар олиб боришни-ку қўяверинг, ҳатто ярим соатгина бемалол туриб бўлмайди. Қарангки, биз спорт мактабига ташриф буюрганимизда тушлик вақти экан. Аммо, ачинарлиси, тушликдан кейин ҳам ҳеч зоғ мактабга оёқ босмади. Кута-кута охири мактаб қоровули кўмагида ичкарига кириб машғулотлар жадвалини кўздан кечиргач, худди ўша соатларда машғулотлар ўтилиши керак бўлган мактабларга йўл олдик. Бироқ, яна хафсаламиз пир бўлди: 17- ва 19-мактабларда машғулот жадвалида кўрсатилган эркин кураш, енгил атлетика, волейбол тўгараклари машғулотлари ўтказилмади. Тарбияланувчилар у ёқда турсин, ҳатто ўқитувчи-мураббийлар — О.Тошев, Н.Рўзиев, А.Раҳмонов, С.Элмуродов, С.Турдиқуловларни учратиш ҳам муаммога айланди. Тўгарак аъзолари сони 800 нафардан ошадиган 2-БЎСМдаги бундай ҳолатни, очиғи, биз изоҳлай олмадик. Балки, тегишли ташкилотлар мутасаддиларидан эшитиб кўнглимиз бироз таскин топар.

Р.ҚУРБОНОВ,
«Ишонч» мухбири.

Кураш

БАЛЛИ, ЮРИЙ!

АҚШнинг Колорадо штатида «Колорадо» кубоги учун юнон-рум кураши бўйича анъанавий халқаро турнир бўлиб ўтди. Унда 16 мамлакатдан полвонлар иштирок этди.

Турнирда бухоролик Юрий Витт катта муваффақият қозонди. 21 ёшли ҳамюртимиз 76 килограмм вазн тоифасида гиламга тушиб, финал беллашувида ғалаба қозонди ва олтин медални қўлга киритди. Океан ортида бухоролик полвон шаънига Ўзбекистон байроғи кўтарилиб, давлатимиз мадҳияси янгради.

Шу тариқа Юрий умумжамоа ҳисобида АҚШ полвонларидан кейин фахрли иккинчи ўринни эгаллаган Ўзбекистон терма командаси муваффақиятига салмоқли ҳисса қўшди.

Олис сафардан қайтган Юрий Витт дам олиш ҳақида ўйлаётгани йўқ. У машқларга янада зўр бермоқда. Чунки июнь ойи ўрталарида Монголия пойтахти Улан-Баторда ўтказиладиган Осиё қитъаси чемпионатида у юртимиз шарафини ҳимоя қилади.

(ЎзА).

Ибрат

Пахтакор туман прокурори Шуҳрат Алиризаев ишга келган куниёқ тумандаги криминал ҳолатларни ўрганиб чиқиб, жиноятларнинг аксарияти балоғатга етмаган ёшлар томонидан содир этилаётганлигига амин бўлди.

ПРОКУРОР — БОШ ҲОМИЙ

— Таҳлиллар шуни кўрсатдики, туман марказида 10 минг томошабинга мўлжалланган ўйингоҳ, вилоятда ягона ҳисобланган ёпиқ сузиш ҳавзаси, ҳар бир қишлоқ фуқаролар йиғинида спорт майдонлари мавжуд бўлиб, афсуски, ана шундай имкониятдан етарлича фойдаланилмас, спорт масканларига умуман эътибор бермай қўйилган экан, — дейди Шуҳрат Алиризаев. — Айниқса, туман марказида жойлашган пахта тозалаш очиқ турдаги акциядорлик жамиятига қарашли катта қишки спорт саройининг аҳволи мени қаттиқ ташвишга солди. Саройдан файз кетган, деворлари нураб, эшик-деразалари синдирилган, хоналари чиқиндига тўлдирилган, ҳовлига эса қараб бўлмасди. Бу ерга на тоза ичимлик суви, на оқава суви келтирилган, бир вақтлари фаолият кўрсатган бокс мактаби эса ёпиб қўйилганди.

Хуллас, прокурор шу тахлитда тумандаги барча спорт масканлари билан яқиндан танишиб, бу борадаги ишларни яхшилаш, секин-аста ўсмир ёшларни оммавий спортга жалб этиш ҳамда шу йўл билан жиноятчиликнинг олдини олиш ташаббуси билан чиқди. Бу мулоҳазани туманнинг ўша пайтдаги ҳокимига билдирганида, иккаласининг фикри бир жойдан чиқди. Соҳага мутасадди раҳбарлар билан маслаҳатлашиб олингач, муҳташам спорт саройини ҳашар йўли билан қайта таъмирлашга киришилди. Орадан бир неча ой ўтиб, мазкур маскан аввалги ҳолига келтирилди. Барча заллар, хоналар жиҳозлар билан таъминланди. Спорт саройига II даражали «Соғлом авлод учун» ордени нишондори, олий тоифали мураббий Баҳодир Мирзақулов раҳбар этиб тайинланди. Бокс мактаби қайта ташкил этилди. Айни чоғда унда 280 нафар ёшлар бокс билан шуғулланмоқда. Ўтган қисқа давр мобайнида 9 нафар спорт устаси, 21 нафар спорт усталигига номзод етишиб чиқди. Абдуғаффор Умаров, Турсунбой Абдулҳакимов, Шерзод Абдурасулов, Шуҳрат Бозоров каби ёш «чарм қўлқоп» усталари туман шуҳратини жаҳонга танитмоқда. Бунда Акмал Ўришев, Баҳодир Мирзақулов, Сайдулла Мирзаев, Қосим Искандаров сингари мураббийларнинг хизматлари катта бўлаётир.

— Биласизми, 55 минг-лик туман аҳолисининг 20 мингга яқинини вояга етмаган ёшлар ташкил этади, - дейди прокурор. — Қувончлиси, кейинги 2-3 йил ичида ёшлар ўртасида жиноятга қўл уриш ҳоллари кескин камайди. Сабаби битта: у ҳам бўлса спортга алоҳида эътибор берилганлиги. Бокс билан биргаликда туман дзюдочи қизларининг довруғи ҳатто республикадан ташқарига ҳам чиқди. Баскетболчилар ҳақида ҳам ана шундай илиқ гапларни айтиш мумкин. Яқинда «Баркамол авлод» спорт ўйинларининг кураш мусобақалари айнан ушбу туманда ўтказилгани ҳам бежиз эмас.

Ҳа, бугун туманда жисмоний тарбия ва спорт тобора ривожланмоқда. Бундан туман аҳли, айниқса ўсмир ёшларнинг қувончи чексиз.

Бўрибой НОРҚУЛОВ,
«Ишонч» мухбири.

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45;
Хатлар ва реклама, эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вакти - 21.00
Топширилди 22.50

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 2524. 1 2 3 4 5 6